



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 199 (11.760)

Баҳоси эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ САММИТИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИБОРИДА

Хорижий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилий доиралари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари орасида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига (МРМ) бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган матрузаси юзасидан кенг муҳокамалар давом этмоқда.

Франция Геосиёсат институти етакчи илмий ходими Пьер-Эммануэль Томан (Бельгия) Президент Ислам Каримовнинг БМТнинг МРМ саммитидаги матрузасини диққат билан ўргангани ҳақида сўз юритаркан, бугунги кунда бутун Европада ҳам Афғонистонда юз бераётган воқеаларга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди. Унинг фикрича, "Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашуви – бу бутун Марказий Осиё минтақаси барқарорлигининг кафолатидир. Афғон муаммосини фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал этиш мумкин эмаслиги эндиликда ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслиги аён. Бугунги кунда ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўллари излаш, БМТ шафелигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш ва унга манфаатдор мамлакатларни жалб қилиш орқали вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш зарур».

П.Томан Марказий Осиё минтақасида барқарорликни сақлаш бўйича Ўзбекистон ўзига хос ўрин тутишини қайд этди. У шу йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида юз берган фожеалар пайтида фақатгина Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан оқилона ва энг тўғри йўл тутилганлиги туфайли зиддиятчи вазиятнинг минтақа миқёсида тарқалиб кетишининг олди олинганини алоҳида таъкидлади.

Афғонистон Ислам Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Балх вилоятидаги ваколатхонаси раҳбари Абдулжаҳид Каргарнинг эътирофига кўра, Президент Ислам Каримовнинг афғон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар ва Ислам динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарурлиги, Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билангина ҳал этиб бўлмашлиги ҳамда мамлакатга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши кераклиги тўғрисидаги сўзлари Ўзбекистон раҳбарининг жафокаш афғон халқи бошидан кечираётган реал ҳолат, ички сиёсий аҳвол тўғрисида чуқур билим ва тушунчага эгалиги ҳамда ушбу муаммолар ечимини топишини энг маъқул йўлни кўра билишидан дарак беради.

А.Каргар фикрича, Президент Ислам Каримовнинг БМТнинг юқори минбаридан туриб сўзлаган матрузаси энг зарур ва айни ўз вақтидаги матруза бўлди. Шунингдек, у Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан амалга оширилаётган "Ҳайратон – Мозори Шариф" темир йўли қурилиши ишларининг боришини синчковлик билан кузатаётгани ва мазкур лойиҳа Ўзбекистоннинг Афғонистонни қайта тиклаш жараёнидаги алоҳида ҳиссаси эканлигини қайд этди.

Франциянинг стратегик тадқиқотлар институти эксперти Карим Покзоднинг таъкидлашича, НАТО Афғонистондаги ҳарбий фаолиятга жалб қилинган бўлсада, мамлакатда сўнгги беш йил мобайнида аҳвол ёмонлашаётгани, "Толибон" ҳаракати ўз мавқеини мустақамлаётгани кузатилмоқда.

"Мамлакат ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий жиҳатдан боши берк кўчага кириб қолган. Фарбий коалиция кучлари ҳарбий жиҳатдан ўз мавқеларини "толибон"лардан устун қўя олмаганликлари АҚШ раҳбариятининг афғон муаммосини ҳарбий йўл билангина ҳал этиб бўлмашлигини тан олишларига асос бўлиб хизмат қилди. Бундай вазиятда сиёсий ёндашув биринчи ўринга чиқади", дея таъкидлади эксперт.

Унинг фикрига кўра, бир қатор эксперт ва таҳлилчилар Вашингтон, Токио, Париж ёки бошқа биров бир Фарб давлатининг пойтахтида Афғонистон масаласини сиёсий йўл билан ҳал этишининг йўналишини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилишга имконият йўқ, деган фикрни маъқуллашмоқда. Шу боис ушбу мамлакатдаги турли халқлар, миллат ва қабила вакиллари ўртасида амалий ҳамда маълум бир натижага олиб келувчи мулоқот ўрнатиш, шунингдек, Афғонистонда тинчликни қарор топтириш жараёнига қўшни давлатларни ҳам жалб этиш зарурати туғилади.

Ўзбекистон раҳбарининг Афғонистон масаласи бўйича «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» тарзида ўзгартириш орқали унинг фаолиятини янгилаш, мамлакатда тинчлик музокаралари олиб боришни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси айни пайтда ва зарурий чора сифатида намоён бўлди. Аник дастурга асосланган бу каби таклиф, ҳеч шубҳасиз, тинчликни қарор топтиришда амалий ёрдам вазифасини бажаради.

(Давоми 2-бетда).



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва 13-14 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган VI Халқаро пахта ярмаркаси бундан яна бир бор исботлади.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДА ЕТАКЧИ ҲАМКОР

Ярмаркада 650 минг тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартнома ва битимлар тузилди. Бундан ташқари, мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги шартномалар имзоланди. Унинг 100 миллион доллардан ортигини тайёр тўқимачилик буюмлари ташкил этди.

Ярмарка ниҳоясига етган бўлса-да, шартномалар тузиш давом этмоқда. Бу Ўзбекистон пахтаси ва ундан тайёрланган маҳсулотларнинг хориқлик исотиёмоличилиги мамлакатимизни яратиб бериши ва унинг юқсак сифатини кафолатловчи ишончли шерик сифатида эътироз этишидан далолатдир. Бу айниқса глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида аксарият давлатлар иқтисодийи ишлаб чиқариш суръати пасайишининг салбий оқибатларини бошдан кечираётган бир пайтда ниҳоятда муҳимдир. Ўзбекистонда барча тармоқларнинг барқарор фаолият кўрсатаётгани ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши Юртбошимиз раҳнамолигида рўйбга чиқарилаётган ва миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ва изчил ислохотларнинг ёрқин натижасидир. Зеро, айнан ушбу мезон глобаллашув ва жаҳон бозорларида рақобат кучаяётган бугунги шароитда муҳим аҳамият касб этади.

Пахта саноатида амалга оширилаётган туб ислохотлар комплекс хусусиятга эга. Ушбу ўзгаришлар селекционерларимиз томонидан бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда, юқори унумли янги навларни яратиш, пахтачи халқаро талабларга мувофиқ тайёрлаш, ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сифатини стандартлаштиришдан тортиб, энг мақбул сотиш шартларини шакллантириш ҳамда харид қилинган пахтачини мавжуд ва янги йўналишлар бўйича транспортровка қилишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олган. Мамлакатимиз раҳбарияти фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва унинг салоҳиятини мустақамлаш, етиштирил-

ган ҳосилни қайта ишлашни кенгайтиришга доимий эътибор қаратиб келаётган. Деҳқонлар ва пахтадан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар барча зарур шароит – имтиёзли кредитлар, илғор технологиялар ва техника билан таъминланган.

Энг юқори стандартларга жавоб берадиган ўзбек пахтасига жаҳон бозорларида эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу сабабли анъанага айланган бу галги Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасига дунёнинг 36 давлатидан 300 хорижий трейдерлик ва тўқимачилик компанияларининг 600 нафардан ортиқ вакили ташриф буюрди. Бу ўтган йилларга қараганда анча кўп. Ярмаркага бўлган бундай қизиқишнинг сабаби халқаро стандартларга жавоб берадиган ва савдога қўйилган толаннинг нафақат юқсак сифати, балки уни сотишнинг қулай шартлари билан ҳам боғлиқдир. Ярмаркада пахтачининг серхосил, толаси узун, тоза, ранги ёрқин, микрофайнери 3,5-4,9 гача бўлган 20 га яқин нави, бир сўз билан айтганда, дунёда харидоригар бўлган навлари сотувга қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси

БАНДЛИК — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Илгари хабар берилганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Унда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2011 йилга мўлжалланган шаҳар дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Сессияни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳур Тўхтаев олиб борди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида аҳоли фаровонлигини янада юқсалтириш масаласи алоҳида ўрин тутди. Ушбу йўналишда энг аввало янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш масалалари устувор деб белгилангандир.

Янги иш ўринларини яратиш ва бу борадаги чора-тадбирларни изчил татбиқ этиш юзасидан республикамизнинг ҳар бир минтақаси

кесимида махсус ишчи комиссиялари ташкил этилган. Айтиб ўтиш жоизки, тегишли чора-тадбирлар вазирликлар, идоралар, ҳўжалик субъектлари иштирокида алоҳида ишлаб чиқилаётган иш ўринларини яратиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш йиллик дастурларида ўз аксини топмоқда. Республика Дастури Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Ҳў навбатиди, ҳар бир минтақа бўйича ҳам дастурлар ишлаб чиқилиб, маҳаллий Кенгашлар томонидан кўриб чиқилади.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳаббатларимиз хабарларидан.

✓ БУГУН Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар ҳақидаги кенгаши ташаббуси билан «Кўпмиллатли Ўзбекистон: тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

✓ ШАЙХОНТОХУР туманидаги 269-мактабда география ва иқтисодиёт фанлари ойлиги доирасида педагоглар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ ЎЗБЕКИСТОН амалий санъат музейида бухоролик гиламдўзлар кўргазмаси ташкил этилди.

✓ КЕЧА Ўзбекистон футбол федерациясида мутахассислар иштирокида уюштирилган матбуот анжумани Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Осиё чемпионатидаги тайёргарлиги масаласига бағишланди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Франция ҳуқуқ ва савдо уюшмаси делегациясининг ташрифи доирасида «Франция ва Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизимида савдо бўйича ҳақамлик судлари — қиёсий назар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Франция Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис сенати аъзолари ва Олий ҳўжалик суди, турли вазирликлар ва идоралар вакиллари, экспертлар иштирок этди.

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида таълим мазмунини модернизациялаш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда Украина, Беларусь, Мўғулистон каби давлатларнинг таълим соҳаси мутахассислари ҳам иштирок этишди.

• Тошкентда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти томонидан ташкил этилган «Қон тизими касалликларининг замонавий диагностикаси, давоси ва трансфузиология муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• Фарғона вилояти қўғирчоқ театри жамоаси Барқамол авлод йилида болажонлар учун «Оқшўшлар нидоси» деб номланган янги спектаклни соғва қилди. Ванга муҳаббат, урф-одат ва анъаналарга садоқат бош мавзу қилиб олинган ушбу асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Марям Ашурова сахналаштирган.

• Андихон вилояти Асака туманининг Асака маҳалласидаги қаровсиз бино ҳашар йўли билан қайта таъмирланиб, касаначилик марказига айлантирилди. 35 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган ушбу цехда ҳар хил дўппилар, кўрпа-тўшак жилдлари тайёрланмоқда.

ЖАҲОНДА

• Австриянинг Вена шаҳрида нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК)нинг навбатдаги 157-сессияси бўлиб ўтди. Ташкилотга аъзо 12 та давлатнинг нефть вазирлари қатнашган анжуманда қора олтин қазиб олишнинг айни пайтдаги аҳволи ва молиявий иқтисодий инқироздан сўнг ушбу маҳсулот нархининг ўзгариб бориши таҳлил қилинди.

• Мексика, Перу ва Колумбия сайёҳларни жалб этиш учун ўзаро бирлашиш юзасидан келишиб олишди.

• Бутунжаҳон банки ва Осиё Тараққиёт банки маълумотларига кўра 2010 йилнинг ёзида Покистондаги сув тошқинлари келтирган зарар 9,7 миллиард долларни ташкил этган.

• Кеча ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида АҚШда бир баррел WTI нефти нархи 0,32 фоизга пасайиб 82,61 долларни, Лондондаги савдолар чоғида эса Brent русумли нефтининг нархи 0,11 фоизга камайиб бир баррели 84,53 долларни ташкил этди.

• Жаҳон бозорига эса олтин баҳоси яна қимматлашди. Хусусан, Нью-Йорк шаҳридаги «Comex» биржасида ўтказилган савдолар чоғида мазкур қимматбаҳо металлнинг бир унцияси қиймати 1,8 фоизга кўтарилган ва 1370,50 АҚШ долларига етган. Бу мазкур маҳсулот нархидаги рекорд кўрсаткич ҳисобланади. Экспертлар жорий йил бошидан буён олтин баҳоси 23 фоизга ошганини айтишмоқда. Бундай ҳолат 1920 йилдан бери қайд этилмаган экан.

• Австралиянинг шарқий қирғоғида юз берган кучли бўрон туфайли минглаб хонадонлар электр қувватисиз қолди.

• Бангладешда автобуснинг дарёга кулаб тушиши натижасида 40 киши ҳалок бўлди.

• Дунёдаги энг катта китоб Германиянинг Франкфурт шаҳрида ташкил этилган ярмаркада сотувга қўйилди. Эни 1,82, бўйи 2,74 метрга тенг бўлган мазкур китобда жаҳон мамлакатларининг харитаси акс эттирилган. Тиражи 31 донга бўлган ушбу улкан китобнинг савдога қўйилган нусхаси 100 минг АҚШ долларига сотилишига умид қилинапти.

ХОСЕ КАРРЕРАС:

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОПЕРА САНЪАТИ ШАЙДОЛАРИ МЕНИ ҲАЙРАТГА СОЛДИ

«Art Week Style.Uz» санъат ҳафталиги доирасида 14 октябрь куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида жаҳон опера юлдузларидан бири, испаниялик тенор Хосе Каррераснинг концерти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси билан барпо этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройининг маҳобатли концертлар зали бу ерга ташриф буюрган санъат ихлосмандлари билан лиқ тўлди.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида истеъдод эгаларини ҳар томонлама камол топтириш, ёшларимизнинг бадиий дидини юксалтириш,

уларни миллий ва жаҳон муסיқаси намуналаридан кенг бахраманд этиш учун барча шароит яратилган. Жаҳон операси юлдузларидан бири Хосе Каррераснинг Тошкентга ташрифи юртимизда санъатнинг барча соҳаларини, жумладан, опера санъатини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самараси, санъат соҳасида изчил ривожланаётган халқаро ҳамкорликнинг амалдаги ифодасидир.

— Ўзбекистоннинг энг катта сахнасида опера куйлаш мен учун буюк шарафдир, — деди ЎЗА мухбирига Хосе Каррерас. — Ўзбекистонлик опера санъати шайдолари менда улкан меҳр уйғотди. Нозик дид соҳиби бўлган ўзбекистонликларнинг санъатга, классик муסיқага юксак меҳри ва ҳурмати мени ҳайратга солди.

Хосе Каррерас жаҳон санъати шоҳсупасидан му-

носиб ўрин эгаллаган. 1946 йилда Испаниянинг Каталония провинциясида таваллуд топган Х.Каррерас Барселона консерваториясида пианино ва вокал бўйича таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 1979 йили Барселонадаги Лисео театрида опера ижроси сифатида бошлаган.

Хосе Каррерас Миландаги «Ла Скала», Нью-Йоркдаги «Метрополитен опера», Лондондаги «Кироллик операси» каби ўнлаб машҳур театрларда куйлаб, миллионлаб мухлислар меҳрини қозongan. Ўта ноёб, айни пайтда кучли ва ширали овоз соҳибининг репертуаридан «Андрэ Шенье», «Богема», «Софинч», «Вертер», «Дон Карлос», «Кармен», «Такдир кучи», «Масхарабозлар», «Муҳаббат шароби», «Бал-маскарад» каби олтимиздан зиёд операдаги асосий партиялар

жай олган. Унинг дискографияси тўла метражли эллик опера, оратория, замонавий ва классик муסיқани ўз ичига олган бир юз элликдан зиёд пластинкадан иборат.

Хосе Каррерас «Федора», «Турандот», «Стиффелио», «Сўнги романс», «Хаёт тарихи» каби қатор опера-фильмларда бош ролларни ижро этган. Жумладан, «Сўнги романс» бадиий фильмида машҳур испан кўшиқчиси Хулиан Гайярролини ижро этган. Х.Каррерас Emmy, Grand Prix du Disque, Luigi Illica, Grammy Award каби нуфузли халқаро мукофотлар, турли танловларнинг олтин медаллари совриндоридир.

Хосе Каррераснинг «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройидаги концерти опера ихлосмандларидан унутилмас таассурот қолдирди.

Нодира МАНЗУРОВА

Мамлакатимизда транспорт воситалари сони тобора кўпаймоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг масъулиятини янада оширишни тақозо этади.

Кенг ва равон йўлларимиз, уларда ҳаракатланаётган замонавий автомобиллар юртимиз кўрקי, халқимиз фаровонлигининг белгиси. Бунинг қадрига етиш, йўлларимизнинг янада кўркам, бехатар бўлишига эришиш — ўз кўлимизда.

Аммо баъзи ҳолларда йўл ҳаракати иштирокчилари «омонидан йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини бузиш ҳоллари учраётгани ва бу кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлаётгани ачинарлидир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасидан маълум қилишларича, деб хабар беради ЎЗА, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда 7,5 мингга яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Бунинг оқибатида 1 минг 427 нафар киши ҳалок бўлган, 8 мингдан зиёд одам турли даражада тан ҳароати олган. Гарчи мазкур рақамлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада кам бўлса-да, ҳар бир рақам ортида инсон тақдир турганини унутмаслигимиз керак.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари бундай ҳолларнинг олдини олишга, йўллардаги ҳолатни қатъий назорат қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, ҳаракат хавфсизлиги оид тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Жумладан, турли кўриниш ва мазмундаги

йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилувчи панно ва шiorлар тайёрланиб, кўпчилик учун кўринарли жойларга илинмоқда, маҳаллалар, таълим муассасаси-

лар йили мамлакатимиз бўйлаб «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилиши соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Ойлик

Долзарб мавзу

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШ — ХАВФСИЗЛИК КАФОЛАТИ

лари, ташкилотларда жонли мулоқотлар, ўқув семинарлари ташкил этилмоқда.

Таълим муассасаларида фарзандларимизга йўл ҳаракати қоидаларига оид илк сабоқлар берилаётгани эътиборга лойиқ. Болаларнинг қизиқишлари инobatга олиниб, умумтаълим мактабларида «Ҳаракат хавфсизлиги ёш инспекторлари» клублари, «Ёш автотазиратчилар» гуруҳлари ташкил этилган. Уларнинг ҳаракат хавфсизлигига оид халқаро миқёсда ўтказилаётган қатор танловлар соҳиби бўлгани бу борадаги ишлар самарасидир. Шунингдек, «Диққат, болалар», «Таътил», «Диққат, пиёда», «Яшил чироқ» каби тадбирлар ёшларга йўл қоидаларини қизиқарли мисоллар билан тушунтиришда қўл келмоқда.

давонида транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серкатнов йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўриқдан ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Аҳоли орасида бу борадаги профилактик тадбирлар кучайтирилади.

Содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили, шунинг кўрсатдики, пиёдалар иштирокидаги турли кўнгилсизликлар сони ортиб бормоқда. Уларга қулайлик яратиш мақсадида транспорт серкатнов кўчаларда махсус ер ости йўллари қурилган. Лекин, афсуски, пиёдалар бундай қулайликдан фойдаланиш ўрнига йўлдан транспортларни оралаб кесиб ўтаётганини кўп кузатиш мумкин. Ачи-

нарли томони шундаки, катталарнинг йўл кўяётган хатоларини болалар такрорламоқда.

Соҳага оид қонунчиликнинг такомиллаштирилаётгани, жумладан, конструкцияда хавфсизлик камарлари назарда тутилган барча транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва йўловчилари ҳаракат вақтида хавфсизлик камаридан фойдаланишлари шартлиги, ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш чоғида мобил телефондан фойдаланиши тақиқлангани йўлларда хавфсизлики таъминлашнинг муҳим омил бўлаётгир. Аммо кўпгина ҳайдовчилар бунга ҳамон бепиёдалар билан қарамоқда. Йўл патруль хизмати инспекторлари бир кунда ўртача уч минггача хавфсизлик камаридан фойдаланмаётган қоидабузар ҳайдовчини жаримага тортаётгани буни тасдиқлайди. Ўтган тўққиз ой мобайнида 67 мингга яқин ҳайдовчи ҳаракат пайтида телефонда гаплашгани учун маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

Йўлларда содир этилаётган қоидабузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан махсус рейдлар, текширувлар ўтказилмоқда. Бунда транспорт воситаларининг техник соғлиғига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар кун остана ҳатлаб кўчага чиқшимиз билан йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Доимо ҳушёр ва эътиборли бўлиш, белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиш хавфсизлигимиз кафолати эканлигини унутмайлик.

Норгул АБДУРАИМОВА

Қатралар

ЁЛҒОНЧИГА ЭЛ ИШОНМАС

Бир йигит кўпни кўрган одамга ўз сирини айтмоқчи бўлди.

— Менга айта кўрма. Оғзим «бўшрок». Кимгадир ошкор қилиб кўйсам... Ҳеч иккиланмай ёлғончи-га айт. Сиринг ошкор бўлмайди.

— Ие-е, — ёқасини ушлади йигит. — Битта гапимнинг ёнига ўнга ёлғонни қўшиб, кимни кўрса, валдирайверса, нима деган одам бўламан?

— Юзтани қўшиб валдирамай-дими? Сенга нима? Бизда ёлғончининг гапига ҳеч ким ишонмайди.

САВОБГА ТўЛА САНДИҚ

Отанинг боғига Хизр барака берган: бола-чақа яйраб есам, бозорда сотсам, кўрт-қумурсқа, қўшлар баҳра олсам, узуми адо бўлмайди.

— Богдан вақтим чоғ бўлиб юрганамга шукр, — дейди ота, — ҳалол меҳнат таннинг садақаси.

Қариганда тантлиги ошиб, токи йўқ ва ноқорларга катта пакирда узум тарқатишни одат қилди. Кўпнинг оғзига элак тутиб бўлмас экан. Кимдир отанинг шанига: «Кўли очик, сахийга ҳам хазина очиб кўйиларкан, деса, «Қирқ йилдан буён узум сотган пулига сандиғи аллақачон тўлган, қанча узум улашсам кам», дея висир-висир қилди бир хасис кимса. Ота

қазо қилди. Сандиғини очисса, гассол ва гўрковга аталган омонатдан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Лекин содда ва мўмин богдоннинг охирад сандиғи савобларга тўлган эди.

ҒУРУР

Ёш йигитга учта ўғри ёпишди. — Жонинг керак бўлса, бор пулингни бер, бўлмаса... — дўқ қилди улар.

Йигит чайир эди. — Мана сенларга пул, — дея кетма-кет мушт туширди уларга. Ўғрилardan бири ҳийла ишлади, йигитни чалиб йиқитди.

Чўнтагини кавлашса, бир мирдан ортиқ пули йўқ.

— Вой, пасткаш-ей, бир мирига шунча уришасанми, жонингни қийнаб, — хайрон бўлди ўғрилар.

— Бир мирим учун эмас, ғурурим учун уришдим, — деди йигит рақибларини уялтириб.

ДАРАХТ

Дарахт улғайиб ҳосилга кирди. Атрофда тирик жон борки, унга гиргиттон. Мақтовлар эвазига хиёл димоғланиб:

— Менсиз хунук дашт эдинг. На баҳор баҳорлигини қилар, на куз кузлигини... Фаслларнинг чиройини ўзим кўз-кўз қиялман, — деб қолди Ерга.

— Шунчалик бўлганинда, пойингда туну кун сенга бераётган меҳримни унутдингми? Фақат кўкка эмас, мулоҳаза билан пойингда ҳам боқини унутма, — деди Ер.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Спорт янгилклари

Халқаро каноэ федерацияси (ICF) томонидан каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков «2010 йилнинг энг яхши каноэчиси», деб эълон қилинди.

ВАДИМ МЕНЬКОВ — ДУНЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ КАНОЭЧИСИ



Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, навқирон авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шарт-шароитни яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида вакилларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақият қозонмоқда. Икки йилдан буён каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон рейтингига пешқадамлик қилиб келаётган Вадим Меньков 2009 йили жаҳон кубогининг Чехия, Польша ва Венгрияда ўтказилган уч босқичида

битта олтин ва икки-кетта кумуш медали кўлга киритиб, Канададаги жаҳон чемпионатида каноэда 1000 метрга эшкак эшиш бўйича голиб чиққан ва Халқаро каноэ федерацияси унга дунёнинг «Энг яхши каноэчиси»га аталган соврин — махсус кубокни топширган эди.

Йилдан йилга ғалабала-ри сони ва салмоғини ошириб бораётган ҳамюртимиз жорий мавсумда ҳам байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон кубоги мусобақасининг Франция, Венгрия ва Германияда ўтказилган босқичларида бир жуфт олтин ва битта кумуш, август ойида Польшадаги

жаҳон чемпионатида биттадан олтин ва бронза медалга сазовор бўлди. Моҳир спортчимизнинг юксак натижаларини юқори баҳолаган Халқаро каноэ федерацияси жаҳон рейтингига пешқадамлик қилаётган ўзбекистонлик спортчини кетма-кет иккинчи мартаба дунёнинг «Энг яхши каноэчиси» сифатида тан олди.

Айни пайтда, деб хабар беради ЎЗА, Вадим Меньков Ўзбекистон терма жамоаси таркибига шу йилнинг 12-27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўладиган навбатдаги ёзги Осиё ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.

Зоҳир ТОШХўЖАЕВ



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2635 нурхона босилди. Қўрақ бичими А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

«ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР» ДАН

Хуштурур жону жаҳон жонон била, жонон агар Бўлмаса жон уйлаким, ўлмас жаҳон, зиндон эрур.

Кирма савдо баҳрига оламдин истаб судким, Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғалур.

Икки юзлук бўлмаким, бу богнинг раъно гули Гар қизарур бир юзи, лекин яна бир сарғарур.

Гавҳари мақсуд чун вобастайи тавфиқ эрур, Деса бўлмаским, мунунг саяйи, анинг эҳмоли бор.

Бода ичким, чарх жоми сиррини Жам билмади, Гарчи ул юз Жам киби майхоранинг даврин билур.

Ғам кулбасида, жоно, ул хастага раҳм этким, Тебранса бағир огрир, дам урса юрак санчар.

...жонга бало нишин ҳажр ўзгачарак санчар.

Хуш гулшан эрур даҳр, будур айбики, анда Пайваста хазон елидин озурдадур ашжор.

Не ҳукм қилса вафо аҳли журмида ғам емас, Бу зулм эрурки, жафо аҳлини ҳакам қиладур.

Замона ўқ киби тузларни синдуруб «ё»дек, Аларки эгридурур, шаҳға муҳтарам қиладур.

Меҳрнинг кўрма шафақ ичра шуъойи хатларин — Ким, сипехр осибидин мужғони хунполойи бор.

Мушк исин яшурса бўлмас, бу масал машхур эрур.

Пар уруб, бошинга тутма авжким, ҳар неча мўр — Ким, қанотланғай қачон учмоқ анга мақдур эрур.

(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер маркасида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбиа акциядорлик компанияси босмахоноси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5